

БАА делегацияси Тошкент ислом институти ва фатво маркази фаолияти билан танишди



14:59 / 28.06.2024 1184

Бугун, 28 июнь куни Бирлашган Араб Амирликларининг **“Ҳидоя”** экстремизмга қарши курашиш маркази раиси Доктор Али Рошид Ал-Нуаимий бошчилигидаги делегацияси мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкент ислом институти фаолияти билан танишди.

Мартабали меҳмонга Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ҳамроҳлик қилди.

Доктор Али Рошид Ал-Нуаимий жанобларига институт тарихи ҳақида батафсил маълумот берилиб, бугунги ўқув жараёнлари билан таништирилди. Меҳмон Қуръони карим ва тажвид ўқув курси дарс жараёнларини диққат билан кузатди.

Делегация аъзолари Тошкент ислом институтига ташрифи таассуротларини институтнинг “Меҳмонлар китоби”га ёзиб қолдирди.

Шунингдек, меҳмонлар Фатво маркази фаолияти билан танишиб, Фатво маркази мутахассислари билан мулоқот қилдилар.

Ташриф якунида томонлар ўзаро эсдалик совғалари алмашдилар.